

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

---

Хизматда фойдаланиш учун  
\_\_\_ сонли нусха

**ШАДМАНОВА НАРГИЗА АБИТОВНА**

**КАСАЛХОНА ИЧКИ ИНФЕКЦИЯСИ МУАММОЛИ БАКТЕРИАЛ  
ПАТОГЕНЛАРИ: УЛАРНИНГ БИОЛОГИЯСИ ВА АНТИМИКРОБ  
ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА ТУРҒУНЛИГИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of Medical Sciences (DSc)**

**Шадманова Наргиза Абитовна**

Касалхона ички инфекциялари муаммоли бактериал  
патогенлари: уларнинг биологияси ва антимикроб дори  
воситаларига турғунлиги ..... 3

**Шадманова Наргиза Абитовна**

Наиболее проблемные бактериальные патогены госпитального  
происхождения: их биология и резистентность к антимикробным  
препаратам ..... 25

**Shadmanova Nargiza Abitovna**

The most of problematic bacterial pathogens from hospital: their biology  
and resistance to antibiotics..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12. 2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

Хизматда фойдаланиш учун  
\_\_\_ сонли нусха

**ШАДМАНОВА НАРГИЗА АБИТОВНА**

**КАСАЛХОНА ИЧКИ ИНФЕКЦИЯСИ МУАММОЛИ БАКТЕРИАЛ  
ПАТОГЕНЛАРИ: УЛАРНИНГ БИОЛОГИЯСИ ВА АНТИМИКРОБ  
ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА ТУРҒУНЛИГИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib21 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот - таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Исхақова Халида Ильхамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нурузова Зухра Абдукадировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Эшбоев Эгамберди Хусанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нуриддинова Нозима Рамизовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс +99871-150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Л.Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда бутун дунёда касалхона ички инфекцияси (КИИ) сонининг ўсиши тенденцияси ва бу муаммо юзасидан беморлар сонининг ривожланган, ҳамда ривожланаётган давлатларда ортиши кузатилмоқда. Жаҳон миқёсида, инфекция касалликлар, жумладан «...касалхона ички инфекциясининг йил сайин ортиши, оғир даражада учраши ва беморлар ҳаёт сифатини пасайиши тиббий ва социал муаммолардан бирига айланди»<sup>1</sup>. Ҳозирги замон тиббиёти маълумотларига кўра КИИ патогенлик ва турғунлик аломатлари генлар ёрдамида яқин авлодларига узатиш қобилиятига эга. Шунингдек, тиббиёт муассасаларида антибиотикларнинг доимий селектив таъсири натижасида, айниқса реанимация ва интенсив терапия бўлимларида, турғунлик механизмларини янги турларини кенгроқ тарқалиш ҳолатлари юзага келишига олиб келади. Шу жиҳатдан, КИИ ўз вақтида ва эрта ташхислашнинг замонавий усулларини қўллаш, даволаш ва профилактика жараёнларини такомиллаштириш, ўлим ҳолатларини олдини олиш илмий тадқиқотларнинг устивор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда касалхона ички инфекцияси муаммоли бактериал патогенларининг антимиқроб дори воситаларига турғунлигини асослаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, шифохоналарда касалхона ички инфекцияси этиологиясини ретроспектив таҳлили асосида аҳамиятли нозокомиал патогенларни, патоген стафилококклар MRSA вариантларини тиббиёт ходимлари бурун-ҳалқум ташувчилиги ҳамда, MRSA ва MSSA штаммлари биокимёвий хусусиятлари, патогенлик омиллари ва антибактериал дори воситаларига турғунлигини солиштиришни баҳолашдан иборат. КИИда учрайдиган *K. pneumoniae*нинг маҳаллий шароитда биокимёвий профилини аниқлаш ва касалхонадан ташқари изолятлари билан солиштириш, замонавий антибиотикларга турғунлигининг динамикасини таҳлиллаш, госпитал штаммларининг бир қатор беталактамаза ферментларини ишлаб чиқишини баҳолаш кабилар катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан турли КИИ кўзғатувчилари биологиясини ва антибактериал воситаларга турғунлигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини ислоҳ қилиш»<sup>2</sup> вазифалар белгиланди. Бундан келиб чиққан ҳолда юқумли касалликларни микробиологик ташхислаш, даволаш ва олдини олиш

---

<sup>1</sup> Ортенберг Э.А., Ю.Э. с соавт. Карбапенемы в многопрофильном стационаре: некоторые клинические и экономические аспекты. // КМАХ. 2014.- 16(1). -С.33-38.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

самарадорлигини ошириш, жумладан, касалхона ички инфекциясини камайтириш ва антибактериал даволаш тизимини оптималлаштириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантиришни чора тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3071 сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Касалхона ички инфекцияси муаммоли бактериал патогенларининг антимиқроб дори воситаларига турғунлигини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: American Society for Microbiology (АҚШ), Newcastle University; British Society for Antimicrobial Chemotherapy (Буюкбритания), European Society of Clinical Microbiology and Infectious Diseases (Швейцария), University of Sydney (Австралия); Yonsei University (Жанубий Корея); Wayne State University (АҚШ); European Committee on Antimicrobial Susceptibility Testing (Швеция), Смоленск давлат тиббиёт академияси қошидаги Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш федерал агентлигининг антибиотикларга турғунликни мониторинги илмий–методик маркази (Россия), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Касалхона ички инфекцияси муаммоли бактериал патогенларининг антимиқроб дори воситаларига турғунлигини асослаш ва бу касалликларни олдини олишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилиб жаҳонда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: антибиотикларга чидамли *Enterococcus faecium*, *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae*, *Acinetobacter baumannii*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Enterobacter spp.*, *Escherichia coli* шифохоналар ичида муаммолар туғдиришида мобил генетик хусусиятлари таъсири исботланган (University of Sydney (Австралия); Ҳиндистон шаҳарларидаги шифохоналарнинг чиқинди сувлари таркибидаги қатор патоген микроорганизмлар ва генлари баҳоланганда карбапенемга нисбатан чидамлилиги юқори бўлгани исботланган (Newcastle University (Буюк Британия); назокомал инфекцияларда антимиқроб дори воситаларига қаршилиги бўйича *Acinetobacter spp.* алоҳида ўрни ва бир қатор чидамлилиқ хусусиятлари баҳоланган (Yonsei

---

<sup>3</sup> Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.who.int](http://www.who.int); [www.asm.org](http://www.asm.org); [www.bsac.org.uk](http://www.bsac.org.uk); [www.esamid.org](http://www.esamid.org); [www.cdc.gov](http://www.cdc.gov); [www.bu.edu](http://www.bu.edu); [www.ecdc.europa.eu](http://www.ecdc.europa.eu); [www.antibiotic.ru](http://www.antibiotic.ru); [www.iqwig.de](http://www.iqwig.de); [www.ncbi.nlm.nih.gov](http://www.ncbi.nlm.nih.gov); [www.fda.gov](http://www.fda.gov) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

University (Жанубий Корея); касалхона ички инфекцияси патогенлари орасида гидролизлайдиган б-лактамазаларнинг кенгайтирилган спектри нисбатан кенг тарқалганлиги аниқланган (National Committee for Clinical Laboratory Standards, Clinical and Laboratory Standards Institute (АҚШ); касалхона ички инфекцияси муаммоли бактериал патогенларининг антимикроб дори воситаларига кенг турдаги турғунлиги асосланган (Врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон).

Бугунги кунда касалхона ички инфекцияси муаммоли бактериал патогенларининг антимикроб дори воситаларига турғунлиги механизмларини замонавий жиҳатлари ва профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда: микроорганизмларнинг турғунликка хос фенотипик ва генотипик турларини аниқлаш; кимё воситаларига турғунликнинг микробиологик мониторингини олиб бориш; микробларда антибиотикларга қарши резистентликни комплекс ва мақсадли дастурлар асосида назорати ва камайтиришни замонавий самарали ёндашувларини; бу қўзғатувчиларнинг тезкор ташхиси усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш. Шу қаторда, КИИСини олдини олиш ва камайтиришга қаратилган микробиологик хавфсизликни таъминлашда янгича эпидемиологик ёндашишлар ишлаб чиқилди. Амалиётда даволаш негизи бўлмиш б-лактама антибиотикларини парчалаш хусусиятига эга махсус ферментларининг ген-молекуляр усуллар билан ўрганиш борасида илмий ишлар олиб борилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда ШПЭ ва кўк-йиринг таёқчасининг бета-лактама антибиотикларига нисбатан турғунлиги аксарият ҳолларда, қўзғатувчилар томонидан бу воситаларни гидролизловчи ферментларнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ (Мудрак Д.Е., 2010; Сухорукова М.В. ва ҳаммуал., 2014). ШПЭ 500 дан ортиқ кенгайтирилган сректрдаги беталактамазалар (КСБЛ) ишлаб чиқариш билан бир қаторда, бу ферментлар карбапенемлардан (меропенем, имипенем, эртапенем) ташқари барча беталактамазларни парчалаш (пенициллинлар, 1-4 авлод цефалоспоринлар) хусусиятига эга бўлиб, уларни аниқлашнинг генетик ва фенотипик усуллари таклиф этилган (Кузнецова М.В., 2013; Ортенберг Э.А. ва ҳаммуал., 2014; Сухорукова М.В. ва ҳаммуал., 2014; Шевченко С.Ю. ва ҳаммуал., 2015; Эйдельштейн М.В. ва ҳаммуал., 2012). Жаҳон адабиётида касалхона ички инфекциясининг муаммоли ва полирезистент патогенлари бўлмиш—стафилококк, шартли-патоген энтеробактериялар—(клебсиелла, эшерихия ва бошқалар), кўк-йиринг таёқчаси, энтерококкларга кўп илмий тадқиқотлар бағишланган (Sievert D.M., et al., 2013; Nabet C. et al., 2014; Toval F. et al., 2014; Kumar M., et al., 2016). «Муаммоли» деб номланишининг асосий сабаби, бу микроорганизмларнинг аксарияти замонавий антибактериал дори воситаларига кун сайин кенгайиб бораётган турғунлиги ва улар орасидан бета-лактама синфига мансуб, ҳамда бир вақтнинг ўзида бошқа гуруҳдаги антибиотикларга ҳам ассоциациялашган резистентликка эгалигидир (Doctors Find, 2014; Drougka E., 2014; Magilorakos A.P. et al., 2012; Nathwani D. et al.,

2014; Tong S.Y. et al., 2015; Tzouvelekisa L. S. et al., 2012). Бу каби инфекцияларнинг шаклланишида тиббиёт ходимлари орасида *S. aureus*нинг бурун-ҳалқум ташувчанлиги, баъзи бир патологияларда (ангиоген ва бошқа) энтерококкларнинг аҳамияти каби муаммоларга адабиётларда алоҳида эътибор берилган. (Hernandez Diana, R., 2016; Mermel L.A. et al., 2011; Smyth D.S. et al., 2012; Weira S. et al., 2012).

Ўзбекистонда КИИСининг баъзи аҳамиятли жиҳатлари худудимизда деярли ўрганилмаган. Ўтган йиллар мобайнида давлатимизда КИИСи борасида эпидемиологик изланишлар фақат туғуруқхоналар доирасида олиб борилган бўлиб (Маматкулов И.Х., ва ҳаммуал., 1997; Бахрамова Р.А. ва ҳаммуал., 2000), алоҳида тадқиқотлар MRSA-стафилококкларга (Баженов Л.Г. ва ҳаммуал., 2005; Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2008) ва касалхона ички клебсиеллаларига (Баженов Л.Г. ва ҳаммуал., 2009) тегишли бўлиб, маълум бир вақтдан сўнг тўхтаб қолган.

Ўзбекистон шароитида КИИ кўзғатувчиларининг мукамал ва тезкор ташхиси бактериологлар кундалик амалиётининг асосини ташкил этади. Бактерияларнинг биохимиявий хусусиятларини аниқлаш учун мўлжалланган тайёр озика муҳитлар ва экспресс-тест тизимлар (лункада, пластинада, қоғозли стриплар ва ҳоказо) фақат чет элларда ишлаб чиқарилади, таннархи эса жуда қимматдир. Шу жиҳатдан, клиник аҳамиятга эга грамманфий бактерияларнинг ферментатив хусусиятларини маҳаллий тезкор дифференциалаш тест-тизимларида аниқланмаганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №02090010 «Инфекцион, гигиеник, техноген, экологик омилларнинг аҳоли саломатлигига таъсири» (2010–2015 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** касалхона ички инфекцияси муаммоли бактерияларнинг патогенларининг биологияси ва антимикроб дори воситаларига турғунлигини баҳолаш, уларни идентификация қилиш усуллари оптимизациялашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тошкент шаҳридаги кўп тармоқли шифохоналар касалхона ички инфекцияси этиологиясини ретроспектив таҳлили асосида аҳамиятли нозокомиал патогенларини аниқлаш;

патоген стафилококклар MRSA вариантларини тиббиёт ходимлари бурун-ҳалқум ташувчилиги учраш ҳолатини аниқлаш, ҳамда, MRSA ва MSSA штамлари биокимёвий хусусиятлари, патогенлик омиллари ва антибактериял дори воситаларига турғунлигини солиштириш;

касалхона ички инфекциясида энг кўп учрайдиган грамманфий кўзғатувчиси *K. pneumoniae*нинг маҳаллий шароитда биокимёвий профилини баҳолаш ва унинг касалхонадан ташқари изолятлар билан солиштириш;

грамманфий бактерияларнинг госпитал штамлари замонавий



антибиотикларга турғунлигининг кўп йиллик динамикасини таҳлиллаш;

скрининг ва тасдиқловчи фенотипик усуллар ёрдамида энтеробактериялар ва *P. aeruginosa*нинг госпитал штамлари кенг спектрдаги бета-лактамаза, карбапенемаза ва металл-бета-лактамаза ферментлари ишлаб чиқариши, ҳамда полирезистент грамманфий бактерияларда ушбу турғунлик механизмига жавобгар генларини аниқлаш;

асосий грамманфий бактериялар ҳамда касалхона ички инфекцияси кўзгатувчиларини ферментатив активлигини идентификациялаш ва дифференциал ташхислаш учун тест-тизимлари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида касалхона ички инфекцияси беморлар биоматериалидан ажратилган микроорганизмлар архив материаллари қўлланилган. *K. pneumoniae*нинг полирезистент 170 госпитал ва 50 ногоспитал штамлари, ҳамда стафилококкларнинг MRSA (49 штамми) ва MSSA (145 штамми) вариантлари биологик, патогенлик хусусиятлари солиштирма ўрганилган. *P. aeruginosa* касалхона 160 штамлари турли хил антибиотикларга турғулиги баҳолаш материаллари олинган, *E. coli* 144 штамми.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида касалхона ички инфекцияси беморлари қони, пешоб, балғам, нажас, бурун-ҳалқум суртмаси, йирингли жароҳат, плевра ва қорин бўшлиғи суюқлиги олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда микробиологик, микроскопик, тинкториал, бактериал, биокимёвий, ген-молекуляр ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

метициллинрезистент *S. aureus* штамлари метициллинсезгир штамларига нисбатан плазмакоагулаза, гиалуригиназа, гемолиз жиҳатидан устунлиги асосланган;

касалхона ички инфекциялари этиологиясида грамманфий микроорганизмлар орасида *K. pneumoniae* етакчи ўрин эгаллаши асосланган;

касалхона ички инфекцияларига кирувчи грамманфий бактерияларнинг (энтеробактериялар ва *P. aeruginosa*) замонавий антибиотикларга сезувчанлиги пасайиши исботланган;

полирезистент *K. pneumoniae* кенг спектрдаги бета-лактамаза ишлаб чиқарувчи штамлари А 2bc гурухи, *P. aeruginosa* металл-бета-лактамаза ишлаб чиқарувчилари эса В гурухига тегишлилиги исботланган;

илк бор маҳаллий грамманфий полирезистент касалхона штамлари металл-бета-лактамаза (VIM, IMP-1, NDM-1) ва карбапенемаза ферментлари ишлаб чиқишига жавобгар турғунлик генлари комбинацияларига эгаллиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

*S. aureus* нинг MRSA вариантларига тегишлилигини белгилашда диск-диффузион скрининг усули орқали қисқа вақт (6 соат) ичида нисбатан арзон ва қулай амалиётда кенг қўлланиладиган ҳамда эффектив 8 антибиотикларга турғунлигини аниқлаш усули таклиф этилган;

касалхона тиббиёт ходимлари *S.aureus* ҳавфли метициллинрезистент вариантларининг ташувчилиги ва асосий хавф омили деб асосланган;

бета-лактама антибиотикларни гидролизловчи ферментларни аниқлашда ингибиторли дискларни қўллаш, грамманфий госпитал бактериялар ишлаб чиқарувчи кенг спектрдаги бета-лактамаза, карбапенемаза ва металл-бета-лактамаза ферментларини тезкор ва содда аниқлаш усуллари яратилган;

бир қатор маҳаллий дезинфектантларининг касалхона ички штаммларига нисбатан юқори бактерицид таъсири, бу воситаларнинг кўп тармоқли даволаш-профилактик муассасалари санитар-эпидемиологик тадбирларида самара бериши исботланган ва амалий фаолиятига тавсия этилган;

клиник аҳамиятга эга грамманфий бактериялар учун ишлаб чиқилган 3 та қиёсий-ташхислаш тизим асосида қулай, камҳаражат, ҳамда 6-8 соат (18-24 соат ўрнига) ичида жавоб олиш имкониятини берувчи қоғозли индикатор тестлар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, микробиологик микроскопик, тинкториал, бактериал, биокимёвий, ген-молекуляр статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, касалхона ички инфекцияси муаммоли бактериал патогенлари: уларнинг биологияси ва антимиқроб дори воситаларига турғунлиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланган, хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касалхона ички инфекцияси қўзғатувчилари микробиологик ташхисини оптималлаштиришнинг замонавий жиҳатлари ҳақидаги назарий маълумотларни кенгайтириб, илк бор худуд доирасида бу қўзғатувчиларнинг беталактама антибиотикларига турғунлик механизмлари ва янги турларининг тарқалиш эҳтимоли изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақамиздаги касалхона ички штаммлари асосий гуруҳ турғунлик ферментларини фенотипик усулларда аниқлаш ва оптималлаштириш, касалхона ички инфекцияси профилактикасида ҳамда шифокорларга тегишли антибактериал даволашда асос бўлиб, кўп йиллик кузатуви натижалари микробиологик таҳлили эпидемиологларнинг бу инфекцияларга қарши курашиш тактикасини яратишда ишончли омил бўлиб ҳизмат қилади. Даволашга шу асосда ёндашиш даволаш-профилактика муассаси ички муҳитида панрезистент қўзғатувчилар тарқалишини секинлаштиради, ҳамда касалхона ички инфекцияси асосий қўзғатувчилари кенг спектрдаги биологик хусусиятларини аниқлаш натижалари амалиётда бу каби микроорганизмлар билан ишлашни енгиллаштиради, микробиологик тадқиқотларда ҳатоликлардан ҳалос қилади. Ишлаб чиқилган тест-тизим келажакда касалхона ички инфекцияси қўзғатувчиларини тезкор ташхислашга ёрдам беради ва бактериологик амалиёт тизимини янада ривожланишига имконият яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Касалхона ички инфекцияси муаммоли бактериял патогенлари: уларнинг биологияси ва антибиотикларга турғунлиги бўйича олинган натижалар асосида:

«Энтеробактериялар классификацияси, экологияси ва дифференциал ташхиси» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8Н-з/23 маълумотномаси). Услубий тавсияноманинг яратилиши борасида жорий этилган натижалар касалхона ички инфекцияси эпидемиологик назоратини тўғри йўналтиришга, ҳамда микробиологик текширувнинг турли босқичларида тезкор натижалар олишга ёрдам беради;

«Замонавий касалхона ички инфекцияларининг микробиологик ва эпидемиологик жиҳатлари» услубий тавсиянома (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8Н-з/23 маълумотномаси). Мазкур тавсиянома касалхона ички инфекцияси эпидемиологик назоратини замонавий талаблар доирасида ташкил этиш, ҳамда микробиологик лаборатория текшируви соҳасида тиббий аҳамиятга эга патогенларнинг тезкор ташхисини ташкил қилишга кўмаклашади;

«Антибиотикларга кенг тарқалган турғунлик механизмларини стафилакоккларда фенотипик аниқлаш учун скрининг-усул» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8Н-з/23 маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиянома стафилококкларнинг антибиотикларга кенг тарқалган туруғунлик механизмларини фенотипик аниқлаш ва антимиқроб даволаш воситаларини тўғри танлаш имконини беради;

«Энтерококкларнинг классификацияси, экологияси ва дифференциал ташхиси» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8Н-з/23 маълумотномаси). Мазкур услубий тавсия граммусбат ва талабчан бўлмаган патогенлар текшируви тезкор усулларини қўллаш имконини берган;

«Диско-диффузион усул ёрдамида талабчан бўлмаган микроорганизмларнинг антимиқроб дори восталарига сезгирлигини аниқлаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8Н-з/23 маълумотномаси). Ушбу тавсиянома микробиологик лаборатория амалий иш жараёнида касалхона ички инфекциялари кўзғатувчиларга қарши даволаш стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқиш, ҳамда шу борада ўзгартиришлар киритишга имкон берган;

«Балиқда, балиқсиз маҳсулот объектларида, балиқдан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларда, очик сув хавзалари таркибида ва бошқа объектларда паразитологик вибрионларни топиш ва аниқлаш усуллари» услубий кўрсатма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8Н-з/23 маълумотномаси). Мазкур услубий кўрсатма *Vibrio* авлодига мансуб бўлган *Plesiomonas shigelloides* нинг ўткир ичак инфекцияси ва бир қатор инсон организми инфекция патологиялари кўзғатувчиси ҳамда тиббиётда ўрни ортиб бораётганини аниқлаш имкониятини яратади;

касалхона ички инфекцияси муаммоли бактериял патогенлари: уларнинг

биологияси ва антимикроб дори воситаларига турғунлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан эпидемиология, микробиология, юқумли касалликлар илмий тадқиқот институти ва Республика Давлат санитария эпидемиология нazorати маркази бактериологик хизмати ҳамда барча вилоятлардаги бактериологик лабораториялари ва даволаш-профилактика муассасаларига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 8Н-з/23 маълумотномаси). Индикатор тестларни бактериологлар амалиётида қўллаш лаборатория таҳлилларида (18,8 маротабагача) юқори иқтисодий самара беради, жавобни 18-24 соат ўрнига 6-8 соатга сезиларли тезлаштиради, ходимлар иш вақтини тежайди, транспортировка ва сақлаш учун қулайлик яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 51 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 15 мақола, жумладан 13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркибига кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 183 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Касалхона ички инфекцияси қўзғатувчилари ва уларда турғунлик механизмларининг шаклланишининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи таҳлил қилиниб, касалхона ички инфекцияси муаммосининг тиббий-ижтимоий аҳамияти акс эттирилган, антибиотикларга турғунлик механизмлари ва уни ўрганишга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш учун иловаларнинг асосий ҳолатлари ҳақидаги манбалар таҳлил қилинган, шунингдек, беталактам антибактериал дори воситаларига қарши турғунлик механизмлари дунё миқёсида тарқалиш ҳолати, ҳамда фенотипик ва генотипик текшириш усуллари аҳамияти ҳақидаги адабиётлар таҳлили тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Касалхона ички инфекцияси асосий кўзгатувчилари микробиологик текшириш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти тавсифи, қўйилган муаммоларни ҳал қилишни таъминловчи усул ва методологик ёндашувлар келтирилган. КИИ кўзгатувчиларини ажратиш олиш ва бирламчи идентификацияси Шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш Республика илмий маркази бактериологик лабораторияси (ШТЁКРИМ) ходимлари, ажратиш олинган микроорганизмларнинг тўлиқ таҳлили, уларнинг антибиотикларга чидамлилиги, биологик синовлар, бу кўзгатувчиларнинг ташҳиси ва таҳлилининг замонавий (Халқаро талаб ва Стандартлар) усуллари ТВМОИ микробиология кафедраси қошида ўтказилди. Изланишлар 2004-2013 йиллар оралигида олиб борилди. Стафилококкнинг бурун-ҳалқум ташувчилиги Ургенч вилоят ДСЭНМ бактериологик лабораторияси 2002-2006 йилларида архив материаллари, ҳамда танланган ҳолда ҳосилалари ўрганилди. Ажратиш олинган ҳосилалар морфологик, тинкториал, ҳосилавий ва биохимиявий хусусиятларига асосан таҳлил қилинди. Антибиотикларга туғунлик хусусиятлари диск-диффузион усулларнинг маълум бўлган ва изланиш натижасида яратилган модификациялари қўлланилди. Касалхона ички грамманфий карбапенемга турғун штаммлари таркибида бета-лактам антибиотикларни парчаловчи нисбатан кенг тарқалган генлари текширилди. Бир кунлик ҳосилалар ДНКси Россиянинг «ИзоГен лаборатория» тайёр тўплами кўрсатмалари асосида ажратиш олинди. Олинган намуналар  $-20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда фойдаланилганга қадар сақланди. Генларни ПЦР (Real-Time PCR) усулида, qPCRmix-HS SYBRнинг (evrogen, Россия) bla VIM, bla IMP-1 и bla NDM -1 праймерлари ёрдамида ўрганилди. Карбапенемаза ишлаб чиқаришни таъминловчи генларини (IMP, NDM, VIM) аниқлаш «АмплиСенс® MDR MBL-FL» тўпламлари орқали гибридизационн-флуоресцент детекциялаш йўли билан олиб борилди.

Диссертациянинг «**Касалхона ички инфекцияси кўзгатувчилари турлари спектри, Тошкент шаҳри кўп тармоқли даволаш профилактика муассасаларида уларнинг солиштирма оғирлиги ва асосий кўзгатувчилари бўйича ўн йиллик кузатув**» деб номланган учинчи бобида кўп тармоқли ДПМ КИИси этиологик тузулмаси ретроспектив таҳлили, ҳамда текшириш жараёнида (2004-2013 йй) динамик ўзгаришлари келтирилган. КИИ этиологик тузулмаси ШТЁКРИМ микробиологик текширувлари натижалари асосида олиб борилди. Изланиш жараёнида касалхона ички инфекцияси турли шакли билан оғриган беморлар қони, қорин бўшлиғи ажралмаси, пешоб, жарроҳат ажралмаси, балғам ва шу каби бошқа биологик материаллар ўрганилди.

Мазкур йиллар давомида ШТЁКРИМ турли бўлимлари миқёсида олинган госпитал инфекцияси микробиологик текшируви қўйидаги натижаларни кўрсатди. Беморлардан олинган ҳосилалар шартли равишда 3 гуруҳга – грамманфий таёқчалар (шартли-патоген энтеробактериялар ва кўк-йиринг таёқчаси), граммусбат кокклар (стафилококк, стрептококк ва энтерококклар) ва «бошқалар»га бўлинди (1- расм).



**1-расм. Госпитал инфекция билан оғриган беморлар биоматериалида турли гурух микроорганизмларнинг 2004-2013 йй. оралиғидаги солиштирма оғирлиги**

Бу 3-гурух микроорганизмлар турли йиллар мобайнида ўзаро ўзгариши сезиларли бўлиб, аммо улар орасидан, бирининг иккинчисига нисбатан доимий равишда устун келиши кузатилгани йўқ. Грамманфий микроорганизм турлари кўп йиллик кузатуви таҳлили, улар орасида клебсиеллалар *E.coli* га нисбатан 1,7-2,5 мартаба кўпроқ ажратиб олинганлигини кўрсатди.


Клебсиеллар орасида *K. pneumoniae* (98,6%) юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, *K. oxytoca* эса 1,4% ни ташкил этди. Энтеробактерлар авлоди орасида 80,0%–*E. cloacae* ва 20,0%–*E. aerogenes*лиги аниқланди. Касалхонага ётқизилган беморлар биоматериаларидан олинган *E. coli* 10 йил давомида *P. aeruginosa* каби деярлик бир хил натижаларни берди. Граммусбат кокклар гуруҳи куйидаги микроорганизмларни ўз ичига олиб: стафилококклар авлоди - *S. aureus* ва коагулазаманфий стафилококклар (аксарят юқори титрларда *S. epidermidis* ташкил этди); *Streptococcus* авлоди (*S. pyogenes*) ва *Enterococcus*лардан (*E. faecalis* ва *E. faecium*) иборатлигини кўрсатди. Стафилококклар бу гуруҳ ичида етакчилик қилиб–6565 хосиладан 5906тасини (90%) ташкил этди, шу жиҳатдан , *S. aureus* ва *S. epidermidis*нинг ўзаро нисбати деярлик бир даражада (43,7% ва 46,3%) бўлганлиги аниқланди.

Шу каби изланишлар Тошкент шаҳри 1–кўп тармоқли касалхонасида ҳам ўтказилди. 2015–2016 йй орасида 1029 синама текширилиб, 869 хосила ажратиб олинган. Касалхона бўлимлари орасида солиштирма таҳлили натижалари, жарроҳлик, пульмонология ва куйган беморларни даволаш бўлимларида граммусбат бактериялар биринчи ўринда бўлса, кантида каби кўзғатувчи аксарият ҳолларда пульмонологик беморлар балғамидан ажратиб олинганлиги кўрсатди. Изланишларимиз асосий объектларидан бири бўлган грамманфий бактериялар, юқори концентрацияда пешобдан–урология бўлими беморларидан 72,8%,

ревматология бўлимида 62,5% ҳолатларда ажратиб олинган. Грамманфий гуруҳ бактериялар 233 штаммдан ташкил топди. Бу гуруҳнинг энг катта қисмини *E. coli* қўзғатувчилари (58,8%) ташкил этган бўлса, иккинчи ўринда клебсиелла-энтеробактерлар (29,2%) ва 12% ини шартли-патоген энтеробактериялар (*P. mirabilis*, *Citrobacter* spp. ва бошқалар) ва кўк-йиринг таёқчасидан иборат тўплам ташкил этди.

Диссертациянинг «Бурун-ҳалқум стафилококкларининг госпитал ва ногоспитал штаммлари хусусияти» деб номланган тўртинчи бобида Хоразм вилояти бактериологик лабораторияси 2002-2006 йиллари архив маълумотлари ва шу жиҳатдан, *S. aureus* бурун-ҳалқум изолятларининг тарқалиш ҳолати, ҳамда унинг MRSA вариантлари касалхона ички ва назорат гуруҳи сифатида касалхонадан ташқари соғлом шахслари орасида учраши бўйича маълумотлари келтирилган. Назорат гуруҳини аёллар маслаҳатхонасига биринчи бор мурожат этган хомиладор аёллар ташкил этиб, мажбурий текширувлар қаторида, бир вақтнинг ўзида тилла ранг стафилококк бурун-ҳалқум ташувчилигига ҳам текшируви (ЎзРССВ норматив ҳужжатлари бўйича белгиланган) олиб борилди. Қуйидаги расм олинган натижаларни яққол кўрсатиб турибди (2-расм).

Ишнинг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири, бу касалхона ички муҳитида стафилококкнинг MRSA (метициллинрезистент *S. aureus*) вариантларини учраш ҳолатларини аниқлашдан иборат эди. MRSA изолятларининг ДПМ тиббиёт ходимлари бурун-ҳалқумида учраши нисбатан юқори натижаларни берди. Уч йиллик кузатув натижалари (2004-2006 йй.) – ДПМ жарроҳлик бўлими 321 тиббиёт ходимлари бурун-ҳалқумидан олинган тилла ранг стафилококк изолятлари орасидан 44 шахс (13,7%) стафилококкнинг MRSA варианты ташувчиси бўлгани аниқланди.



**2-расм. *S.aureus* MRSA вариантларининг касалхона тиббиёт ходимлари ва соғлом аёллар бурун-ҳалқум ташувчилиги**

Назорат гуруҳи (касалхонадан ташқари) 102 ташувчилари орасида фақат 4 штамм (3,9%) *S. aureus*нинг оксациллинрезистент хилига тегишлилигини кўрсатди. Олинга натижалар, касалхона ичида, касалхонадан ташқари ҳолатларидан фарқли равишда, стафилококкнинг бурун-ҳалқум ташувчилиги нисбатан кўпроқ юзага келиши, шу қаторда, стафилококклар келтириб чиқарувчи касалликларни олдини олиш борасида бу каби кўзғатувчиларни доимий назорат қилиш, ҳамда керакли чора-тадбирларни қўллаш лозимлигини белгилайди.

Стафилококкларнинг 49 ташувчилик MRSA ва 145 MSSA (метициллин сезгир *S.aureus*) штаммлари солиштирма таҳлили, оксациллинга турғунлари сезгирларига нисбатан ( $p < 0,05$  и  $p < 0,01$ ) хосилавий-биохимиявий хусусиятлари жиҳатидан кўпроқ атипиклик намоён қилган. Патогенлик факторлари *in vitro* натижалари MRSA штаммлари MSSA штаммларига нисбатан гемолитик, фибринолизин, лецитиназа ва актив (++++) гиалуронидазани кўпроқ ҳосил қилиши маълум бўлди.

Нобеталактам антибиотикларнинг стафилококкларга таъсирини ўрганиш жараёнида MRSA ва MSSAларнинг линкомицин, клиндамицин ва фузидинга турғунлиги деярли бир хил даражадалиги кузатилди. Изланиш жараёнида бошқа антибиотикларга (рифампицин, левомецетин, ко-тримоксазолу) турғунлиги MSSAга нисбатан MRSAларда 1,5-2 баробар юқори бўлиб, бу натижалар илмий адабиётларда кўрсатиб ўтилган бета-лактам синфидан ташқари бошқа антибактериал дори воситаларига юқори даражада ассоциациялашган турғунлиги тўғрисидаги маълумотларни яъна бир исботидир. MRSAнинг маҳаллий штаммларига нисбатан энг яхши сезувчанлик ванкомицин, фузидин, клиндамицин ва левофлоксацин каби воситаларда кузатилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ДПМ тиббиёт ходимлари бурун-ҳалқум MRSA ташувчилик даражаси юқори бўлиши билан бир вақтда, бу штаммлар полирезистент бўлиб, касалхона ички муҳити учун сезиларли негатив омил ҳисобланади.

Минтақамизда *S. aureus* оксациллинрезистент вариантларининг дезинфектантларга турғунлиги ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. MRSA ва MSSAларга дезинфектантларнинг таъсири бўйича изланишлар, маҳаллий дезинфекцияловчи (таркибида  $C_{22}H_{48}ClN$  ва бошқалар бор) маҳсулотлари стафилококкларнинг касалхона ички штаммларига сезиларли бактерицид таъсирини кўрсатиб, микроорганизмларнинг ўлими минимал концентрацияда (0,5%) икки баробар (15 дақиқадан сўнг) тезроқ намоён бўлишини аниқлади. Бундан фарқли равишда, маҳаллий норматив ҳужжатларда кўрсатилган талаблар миқёсида хлораминнинг таъсир даражаси сезиларли сустиги маълум бўлиб, госпитал стафилококкларга унинг бактерицид ва бактериостатик таъсири жуда юқори концентрацияли эритмаларда (3,0% ва 5,0%) 10 дақиқа ичида намоён бўлишини кўрсатди. Шу қаторда, мазкур концентрациядаги хлорамин MRSA ва MSSAларга таъсири турли бўлиб, MRSAнинг турғунлиги нисбатан юқорилиги ( $p < 0,01$ ) хлораминнинг 3,0%ли эритмасида 15 дақиқа экспозиция давомида аниқланди.




Диссертациянинг «Касалхона ички инфекцияси нисбатан кенг тарқалган грамманфий кўзгатувчилари биологик хусусияти ва уларнинг антибиотикларга турғунлиги» деб номланган бешинчи бобида касалхона ичи инфекцияларини асосий кўзгатувчиларидан бири ҳисобланган *K. pneumoniae*нинг физиологик-биокимёвий хусусиятлари алоҳида ўрганилди. Клебсиелланинг ниҳоятда турғун 170 штамми ажратиб олиниб, Бергининг кенгайтирилган тахлилий тизими бўйича оммабоп ва кам қўлланиладиги тест ва субстратлари асосида изланиш олиб борилди. Назорат сифатида клебсиелланинг 50 ногоспитал штамми (соғлом шахслар нажаси ва бурун-ҳалқум суртмаси) олинди. Олинган натижалар КИИ билан оғриган беморлардан ажратилган клебсиелланинг полирезистент штаммлари ногоспитал штаммларига нисбатан суст ферментлаш хусусиятига эга бўлиб, уларнинг бир қатор асосий дифференциацияловчи хусусиятлари бўйича нотипиклиги, микробиологик диагностика жараёнида хатоликларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди.


*P. aeruginosa* эса аксарият ҳолларда биологик хусусиятлари бўйича типиклигини кўрсатиб, микробиологик текширув жараёнида қийинчиликлар келтириб чиқармади.

Граманфий кўзгатувчилар орасидан антибиотикларга турғунлик масаласи бўйича асосий аҳамият клебсиеллаларга ажратилган бўлиб, бизнинг натижаларимиз (3 боб) бўйича КИИ келтириб чиқариши жиҳатидан биринчи ўринни эгаллагани белгиланган.

Клебсиеллаларнинг оммабоп антибиотиклар бўйича антибиотикограммаси қуйидаги 4,5 -расмларда келтирилган. Кўриниб турибдики, охириги 10 йил давомида *K. pneumoniae* госпитал штаммлари турғунлиги ўрганилган турли антибиотиклар бўлимиш – беталактам (3-авлод 4 цефалоспоринни қўшган ҳолда), фторхинолонларга йиллар давомида ортиб борган. Бу билан бир вақтнинг ўзида, клебсиеллаларнинг аминогликозидларга ҳам турғунлигининг ортиши, назаримизда, антибиотикларнинг кенг ва нораціонал қўлланилиши, ҳамда госпитал штаммлари орасида мобил генетик элементларнинг жадал алмашинуви билан боғлиқ.




4-расм. *K. pneumoniae* госпитал штаммларининг цефалоспоринларга турғунлиги



**5-расм. K.pneumoniae госпитал штамларининг фторхинолонларга турғунлиги**

E. coli нинг касалхона ички штамлари клебсиелларга нисбатан кўпроқ сезгирлиги маълум бўлди. 3- авлод цефалоспоринларга E.coli сезгирлигини динамик тарзда сусайиши кузатилмаган бўлсада, аммо улар орасидан цефеперазонга қисман пасайганлиги аниқланди. Шу билан бир қаторда, E. coli га қарши энг фаол антибактериал воситалардан ҳисобланган амикацинга жадал, ҳамда офлоксацинга биринчисига нисбатан камроқ сезгирлигининг йиллар мобайнида пасайиши албатта ҳавфли ҳолат ҳисобланади (6-расм).



**6-расм. E. coli госпитал штамларининг амикацин ва офлоксацинга сезгирлиги**

Кўп йиллик грамманфий госпитал энтеробактериялар (клебсиелла, эшерихия, энтеробактер, цитробактер, протей) ретроспектив таҳлил натижаларига хулоса қилиб айтиш мумкинки, антибиотиклар ичида энг фаол деб амикацин, ципрофлорксацин, ҳамда, нисбатан камроқ ҳолларда цефтриаксон


таъсир этган.

*P. aeruginosa* КИИ кўзгатувчилари қаторида катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Кўп тармоқли касалхона ички инфекцияси этиологиясини кузатиш давомида *P. aeruginosa* асосий кўзгатувчилари каби етакчи бўлмаган бўлсада, шу клиниканинг алоҳида бўлимлари – абдоминал, куйган беморлар бўлими ва жарроҳлик реанимацияси миқёсида баъзи йилларда юқори 30,5% дан 52,8% гача, *K. pneumoniae* каби кўрсаткичларни эгаллаб, етакчи ўринлардан бирида бўлди.

*P. aeruginosa*нинг ШТЁКРИМ 2004-2008 йиллари орасидаги антибиотикограмма бўйича архив маълумотлари ўрганилиб, 2010-2011 йиллар орасида 160 штамм алоҳида текширув учун олинди. Бу хосилалар аввали текширилмаган бир қатор – колистин, полимиксин, карбапенем (имипенем, меропенем), азтреонам, 4 - авлод цефалоспорини бўлмиш цефепим ва ингибитор ҳимояланган беталактам антибиотик воситаларига текширилди.

*P. aeruginosa*нинг антибиотик турғунлиги динамикаси кузатув натижалари, уларнинг кузатувнинг бошида кучли таъсир қилганлиги, ҳамда кўк-йиринг таёқчаси воситаларидан бири ҳисобланган амикациндан фарқли равишда гентамицинга нисбатан кам (71,7%, 77,4%, 85,4% сезгир) ўзгариб, кейинги йилларда сезиларли даражада пасайиб, 2013 йили 34%ни ташкил этди. Текширилган уч фторхинолонлар орасидан ин витро энг яхши натижа бергани ципрофлоксацин бўлиб, офлоксацинга нисбатан эса 2007 (44,2%) ва 2013 (18,3%) йилларда яққол пасайиши кузатилди.

Карбапенемлар орасида имипенем (91,9%) энг самарали бўлиб, меропенемга нисбатан (76,3%) пастроқ натижаларни берди. Кўк йиринг таёқчасининг азтреонамга турғунлиги -70% штаммлар сезгир, 20% ўрта турғун ва фақат 10% хосилалар сезгир бўлиши ноодатий ҳолдир (7-расм).



**7-расм. *P. aeruginosa*нинг карбапенемлар ва азтреонамга сезгирлиги**

Текширув жараёнида 4-авлод цефалоспоринлардан бўлмиш цефепим кам фаол бўлиб, *P. aeruginosa*нинг 75,6% турғунлиги аниқланди. Маълумки, 3-авлод цефалоспоринлар ичидан фақат цефтазидим кўк-йиринг таёқчасига нисбатан

фаол ҳисобланади. Изланиш натижалари бу воситага нисбатан йиллар давомида 28,5% дан 2008 йилда 0,6% гача 2011 йилда, ҳатарли даражада пасайиши кузатилганлигини кўрсатди. Барча текширилган ингибитор-ҳимояланган беталактамларга (амоксциллин-клавуланат, тикарциллин-клавуланат, цефтазидим-клавуланат ва цефаперазон-сульбактам) кўк йиринг таёқчаси турғун бўлиб, 96,9%-88,7% ни ташкил этди. Шу билан бир қаторда, *P. aeruginosa* касалхона штаммлари колистин 93,8% ва полимиксин Вга 91,9% нисбатан юқори сезгир деб топилди.

Шу билан бирга, мазкур бобда Биринчи Тошкент шаҳар касалхонаси юзасидан изланишнинг охириги йилларида (2015-2016йй.) грамманфий патогенларнинг бета-лактам антибиотикларини гидролизловчи ва бу билан боғлиқ турғунлик бўйича олинган натижалар келтирилган. КСБЛ ва карбапенемаза ишлаб чиқатувчи ҳосилалар ажратишнинг EUCAST(2014 й.) тавсиялари доирасида скрининг усуллари модификацияланди. Клиник беморларда 2015-2016 йй. давомида жами 144 *E.coli*, ҳамда *Klebsiella-Enterobacter* авлодларидан ташкил топган, нисбатан камроқ миқдорда-81 штаммлари гуруҳи ажратиб олинди. *E. coli* 40 (27,8%) ҳосилалари скрининг натижаларини мусбат бериб, бу уларни КСБЛ ёки карбапенемаза ишлаб чиқариши мумкинлигидан далолат беради. *Klebsiella-Enterobacter* гуруҳи кўрсаткичлари нисбатан паст бўлиб –9 штаммни (11.1%) ташкил этди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, энтеробактерияларнинг 225 штаммларидан 21,7%и (49 ҳосила) турли беталактамазалар ишлаб чиқиши тахмин қилинди. Скрининг юзасидан илмий изланишлар давомида энтеробактерияларнинг аксарияти ЦП 3-авлоди ва эртапенемга турғун бўлиб, бу каби дори воситаларнинг маҳаллий патогенларга таъсир кучининг ниҳоятда пастлигини кўрсатди.

*E.coli* госпитал штаммларининг антибиотикларга турғунлиги хусусиятларини кенгроқ ўрганиш натижасида, ЦП 3-авлоди ва карбапенемларга турғунлик қаторида, изолятларнинг 94,8% азтреонамга, фторхинолон (75,5% дан 82,5%гача), 33,0% ҳолатда хлорамфениколга ҳам сезгирлиги жуда пастлиги белгиланди.

Барча дори воситалари ичида ичак таёқчасига фосфомицин, тикарциллин ва нетилмицин каби антибиотиклар 91,5%, 85,9% ва 77,2% кўрсаткич билан энг самарадор деб аниқланди. Илмий иш доирасида, касалхона беморларидан ташқари 42 нафар соғлом кўнгиллилар *E. coli*нинг резистент штаммлари ичак ташувчилигига текширилди. Асосий хусусиятлари бўйича *E. coli* турғун штаммларига ўхшаш бўлган микроорганизмлар, модификацияланган 6 антибиотикли усул билан юқоридаги каби текширилди. Улар ичидан 95,2% штаммлар КСБЛ ишлаб чиқариши, ҳамда карбапенемаза ажратиши бўйича эса, соғлом ташувчиларда юқори кўрсаткични кўрсатиб - 42,9% ни ташкил қилди. Бу каби натижалар ажратиб олинган ҳосилаларнинг худудимизга хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади.

*P. aeruginosa*нинг 160 госпитал штаммлари орасидан 20 (12,5%) ва энтеробактерияларнинг 5 штамми металлбеталактамаза ферментлари ишлаб

чиқаради деб тахмин қилинган, ҳамда фенотипик усул билан тасдиқланган ҳосилалари бу каби хусусиятни белгиловчи генларини (МБЛ-генлари VIM, IMP-1, NDM-1) ўрганиш мақсадида ажратиб олинди. Мазкур штаммлар ПЦР-типлаш ёрдамида турғунлик генлари қуйидаги праймерлар ёрдамида ўрганилди: VIM, IMP-1, NDM-1. Генларни аниқлашда махсус дастурлардан фойдаланилди [www.bio.bsu.bu/molbiol/oligocol.html](http://www.bio.bsu.bu/molbiol/oligocol.html). Иш жараёнида праймер ва зондлар учун тегишли ҳароратлар танланиб, изланиш давомида оптималлаштирилди. [www.inSilico.ehu.es/PCR/](http://www.inSilico.ehu.es/PCR/) дастури ёрдамида ПЦР амплификацияси ўтказилди. ПЦР-типлаш натижалари юзасидан, жами олинган грамманфий бактериялар (*E. coli*, *Kl. pneumoniae*, *P. aeruginosa*) VIM, IMP-1, NDM-1 генларининг турли хил комбинациясига эга бўлгани аниқланди. Нисбатан кўпроқ VIM+IMP-1 генлари комбинацияси аниқланган. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ПЦР-типлаш натижалари танланган барча штаммлар МБЛ гени ташувчилигини кўрсатди ва бу эса грамманфий госпитал штаммларининг меропенем ва имипенем билан бирга барча β-лактама антибиотикларга турғунлигини тушуниш учун асос бўлади.

Диссертациянинг «**Энтеробактерия, НФГБ, шартли-патоген вибрионлар учун жадал ва содалаштирилган тест-тизимлари ишлаб чиқиш**» деб номланган олтинчи бобида бактерияларнинг биохимиявий хусусиятларига (Берги, 2004) асосланган турли токсонамик гуруҳдаги тиббий аҳамиятга эга ичак гуруҳи вакиллари, НФГБ ва шартли-патоген вибрионларга мўлжалланган уч тўплам тест-тизимлари бўйича маълумотлар келтирилган. Бу учун асос бўлиб бир жиҳатдан юқорида келтирилган микроорганизмларнинг классификациядаги ўрнини ўзгариши бўлса, башқа жиҳатдан шартли-патоген бактерияларнинг баъзиларини инсон инфекцияларида аҳамиятининг ортиб боришидир.

